

«ТАСДИКЛАЙМАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
“ 7 ” июль 2021 йил

«КЕЛИШИЛГАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги  
“ 7 ” июль 2021 йил

«КЕЛИШИЛГАН»  
Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодий тараққиёт ва  
камбағалликни қисқартириш  
вазирлиги  
“ 7 ” июль 2021 йил

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан  
қопланадиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари  
РЎЙХАТИ**

Давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизматлар ва дори воситалари ҳажми (кейинги ўринларда – кафолатланган пакет) – аҳолига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўрсатиладиган бепул тиббий ёрдамдир.

Кафолатланган пакет бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ҳамда шифохоналар томонидан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга тақдим этилади.

Кафолатланган пакет давлат муассасаларида соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган ташхис ва даволаш клиник стандартлари ҳамда клиник протоколларга мувофиқ амалга оширилади.

Дори воситалари тиббий кўрсатмаларга асосан оилавий шифокор ва даволовчи шифокорларнинг тавсиясига кўра, тегишлилиги бўйича даволаш-профилактика муассасаларида соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган формулярлар асосида белгиланган ҳажмда бепул берилди.

**Кафолатланган пакет қуйидагиларни ўз ичига олади:**

- 1) Шошилиш ва тез тиббий ёрдам;
- 2) бирламчи тиббий-санитария ёрдами (амбулатор-поликлиника ва консултатив-диагностика ёрдами, кундузги стационар ва стационарда кўрсатиладиган тиббий ёрдам, туғруққа кўмаклашиш ёрдами);
- 3) тиббий реабилитация ва аҳолининг айрим қатламларига кўрсатиладиган паллиатив ёрдам.

**1. Кафолатланган пакет доирасида оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳажми**

Тиббий хизмат турлари	Тиббий хизматлар кўлами
Қабул ва консултациялар	Оилавий шифокорлик пунктида: Оилавий шифокор кўриги
	Оилавий поликлиникада: Оилавий шифокор кўриги; Терапевт (кардиолог), педиатр, акушер-гинеколог, стоматолог ва хирург кўриклари
	Тиббий кўрсатмага кўра (4-саломатлик гуруҳидаги, уйда ётиб қолган беморлар) беморларга уйда кўрикларни амалга ошириш

<b>Профилактик тадбирлар</b>	Репродуктив саломатлик бўйича маслаҳат бериш ва контрацепция воситаларини қўллаш (бачадон ичи спирали (БИС), орал контрацепция (ОК), инъекцион контрацепция (ИК) ва бошқа воситалар)
	Ҳомиладор аёллар патронажи
	Туғруқдан кейинги патронаж
	Болалар, жумладан чақалоқлар патронажи
	Профилактик эмлашлар миллий таквимига кўра болалар ўртасида эмлаш тадбирларини ўтказиш
	Саломатлик ҳолатидан келиб чиқиб аҳолини профилактик кўрикдан (даврий тиббий скрининг текширувлари, диспансер кузатуви, мақсадли патронаж) ўтказиш
<b>Клиник лаборатор-диагностик текширувлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Умумий қон таҳлили</li> <li>• Умумий сийдик таҳлили</li> <li>• Нажаснинг умумий таҳлили</li> <li>• Қин суртмаси микроскопияси</li> <li>• Глюкометрия (қондаги глюкоза миқдори)</li> <li>• Қоннинг биохимик таҳлили (АЛТ, АСТ, умумий билирубин, умумий холестерин, креатинин, мочевино)</li> <li>• RW га қон олиш</li> <li>• ОИВ га қон олиш</li> </ul>
<b>Инструментал-диагностик текширувлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аускультация</li> <li>• Термометрия (тана ҳароратини ўлчаш)</li> <li>• Электрокардиограмма (ЭКГ)</li> <li>• Тонометрия (артериал қон босимини ўлчаш)</li> <li>• Пикфлоуметрия (ПФМ)</li> <li>• Пульсоксиметрия</li> <li>• Отоскопия</li> <li>• Риноскопия</li> <li>• Офтальмоскопия</li> <li>• Кўриш қобилиятини ўлчаш (Снеллин жадвали)</li> <li>• Флюорография (15 ёшдан бошлаб) ва рентгенологик текширувлар**</li> <li>• Ультратовуш текшируви**</li> </ul>
<b>Даволаш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Шошинич ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш (жумладан, дори воситалари***);</li> <li>• Имобилизация (котирувчи боғламлар, шина қўйиш);</li> <li>• Вена ичига, мушак орасига, тери остига инъекция қилиш;</li> <li>• Физиотерапевтик муолажаларни амалга ошириш;</li> <li>• Стоматологик ёрдам кўрсатиш** (оғриксизлантириш, пломба қўйиш, тиш экстракцияси ва абсцессни очиш).</li> </ul>

\* Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган стандартларга мувофиқ амбулатор диагностика муолажалари ўтказилади;

\*\* муассасада тегишли ускуна ва мутахассис мавжуд бўлганда ўтказилади;

\*\*\* дори воситалари муассаса формуляри доирасида таъминланади (илова қилинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган "Оилавий шифокорлик пунктлари, Оилавий поликлиникалар ва Кўп тармоқли марказий поликлиникалар учун формуляр" асосида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан марказлаштирилган ҳаридлар доирасида ҳарид қилинган дори-воситалар ва тиббий буюмлар).

**2. Кафолатланган пакет доирасида кўп тармоқли марказий поликлиникаларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми**

Тиббий хизмат турлари	Тиббий хизматлар кўлами
<b>Қабул ва консультациялар</b>	Оила шифокори йўлланмасига мувофиқ тор соҳа мутахассислари (терапевт, педиатр, хирург, акушер-гинеколог, фтизиатр, инфекционист, онколог, эндокринолог, психиатр, кардиолог, невролог ва бошқалар) томонидан беморлар кўриги ва маслаҳатлар (жумладан онлайн консультациялар).
<b>Клиник лаборатор-диагностик текширувлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Умумий қон таҳлили*</li> <li>• Умумий сийдик таҳлили</li> <li>• Нажаснинг умумий таҳлили (гельминтлар ва содда жониворларга таҳлил)</li> <li>• Қин суртмаси</li> <li>• Глюкометрия (қондаги глюкоза миқдори)</li> <li>• Қоннинг биохимик таҳлили (АЛТ, АСТ, умумий билирубин, умумий холестерин, креатинин ва мочевина)</li> <li>• С-реактив оксилни аниқлаш</li> <li>• Қонни ОИВ ва Вассерман реакциясига (RW) га текшириш;</li> <li>• Қон гуруҳи ва Rh (резус) омилни аниқлаш;</li> <li>• Балғамни микроскопик текшириш.</li> </ul>
<b>Инструментал-диагностик текширувлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Аускультация</li> <li>• Термометрия (тана ҳароратини ўлчаш)</li> <li>• ТонOMETрия (артериал қон босимини ўлчаш)</li> <li>• Отоскопия</li> <li>• Риноскопия</li> <li>• Офтальмоскопия</li> <li>• Кўриш қобилиятини ўлчаш (Снеллин жадвали)</li> <li>• Пикфлоуметрия</li> <li>• Пульсоксиметрия</li> <li>• Спирометрия</li> <li>• Аудиометрия</li> <li>• Велоэргометрия</li> <li>• Кольпоскопия</li> <li>• Электрокардиограмма (ЭКГ)</li> <li>• Ультратовуш текшируви (УТТ)</li> <li>• ЭхоЭГ</li> <li>• Рентгенография (флюорография)</li> <li>• Гастрофибродуоденоскопия</li> <li>• Ректоколоноскопия</li> </ul>
<b>Даволаш</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Шошинч ва тез тиббий ёрдам кўрсатиш (жумладан, дори воситалари**);</li> <li>• Имобилизация (қотирувчи боғламлар, шина қўйиш)</li> <li>• Хирург, гинеколог, оториноларинголог, уролог, офтальмолог ва бошқа мавжуд тор доирадаги мутахассислар томонидан ўтказиладиган амбулатор муолажалар</li> <li>• Стоматологик ёрдам (оғриқсизлантириш, пломба қўйиш, тиш экстракцияси ва абсцессни очиш).</li> <li>• Физиотерапия</li> </ul>

\* Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган стандартларга мувофиқ амбулатор диагностика муолажалари ўтказилади;

\*\* дори воситалари муассаса формуляри доирасида таъминланади (илова қилинган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган "Оилавий шифокорлик пунктлари, Оилавий поликлиникалар ва Кўп тармоқли марказий поликлиникалар учун формуляр" асосида ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан марказлаштирилган ҳаридлар доирасида ҳарид қилинган дори-воситалар ва тиббий буюмлар).

**3. Кафолатланган пакет доирасида туман/шаҳар марказий шифохонасида кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми**

Стационар тиббий ёрдам турлари	Тиббий хизматлар кўлами
<b>Шошилинч ва тез тиббий ёрдам</b>	Шошилинч тиббий стационар ёрдам кўрсатиш учун клиник, биохимик лаборатор ва инструментал текширувлар ҳамда даволаш муолажаларини ўтказиш. Жумладан, шошилинч терапевтик, шошилинч педиатрик, шошилинч хирургик ва шошилинч гинекологик тиббий ёрдам. Туманлараро ташкил этилган шошилинч тиббий ёрдам бўлимларида кўшимча нейрохирургик, травматологик шошилинч тиббий ёрдам ва гемодиализ хизмати. Шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бўйича стационарда бўлиш даврида овқатланиш
<b>Туғруққа кўмаклашиш</b>	Шошилинч акушерлик ёрдами, туғруқ вақтида ва туғруқдан кейинги ёрдам, янги туғилган чақалоқлар парвариши, тиббий кўрсатмага асосан интенсив даволаш ва кузатув, вирусли гепатит В га қарши, БЦЖ билан эмлаш. ИЖК (ихтиёрий жароҳлик контрацепцияси). Стационарда бўлиш даврида овқатланиш.
<b>Терапевтик (терапия, кардиология, неврология)</b>	Шифокор йўлланмасига асосан (БТСЁМга бириктирилган аҳолига оилавий шифокор йўлланмаси тор соҳа мутахассиси тавсиясига кўра) режали соматик терапевтик беморларни ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитация қилиш*. Стационарда бўлиш даврида овқатланиш**.
<b>Болалар касалликлари бўйича</b>	Шифокор йўлланмасига асосан (БТСЁМга бириктирилган аҳолига оилавий шифокор йўлланмаси тор соҳа мутахассиси тавсиясига кўра) режали соматик бемор болаларни ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитация қилиш*. Стационарда бўлиш даврида овқатланиш.
<b>Хирургик (лор, урология, туманлараро нейрохирургия, травматология, гемодиализ)</b>	Шифокор йўлланмасига асосан (БТСЁМга бириктирилган аҳолига оилавий шифокор йўлланмаси тор соҳа мутахассиси тавсиясига кўра) хирургик беморларни ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитация қилиш*. Стационарда бўлиш даврида овқатланиш**.
<b>Юқумли касалликлар бўйича</b>	Юқумли касалликлар аниқланган беморларни алоҳидалаш, ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитация қилиш*. Стационарда бўлиш даврида овқатланиш.

\* Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш ва диагностика стандартлари ҳамда клиник протоколларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатиш, туман (шаҳар) даражасига мос юқори технологик ташхислаш ва даволаш, асбоб-ускуналар ёрдамида муассаса формулярига асосан (дори воситалари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари билан таъминланади) аттестациядан ўтган ва тегишли малакага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилади.

\*\*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 5 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг тургун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланишни ташкил этиш ва унинг учун ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 31-сонли қарорига мувофиқ амалга оширилади.

**4. Кафолатланган пакет доирасида вилоят тиббиёт муассасаларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми**

<b>Ўрин фондига эга вилоят тиббиёт муассасаларида стационар ёрдам</b>	
1. РШТЁИМ худудий филиали 2. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази; 3. Худудий перинатал марказлар; 4. Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси; 5. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиали; 6. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази филиали; 7. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари; 8. Вилоят руҳий-асаб касалликлари диспансери; 9. Вилоят наркология диспансерлари	<p align="center"><b>Тиббий хизматлар кўлами</b></p> Шошилинч ҳамда шифокор йўлланмасига асосан режали амбулатор ва стационар ёрдамни кўрсатиш учун диагностика, даволаш муолажарини ва тиббий реабилитация ўтказиш*. Туғруқ муассасаларида туғруқ вақтида, туғруқдан кейинги ёрдам, янги туғилган чақалоқларни вирусли гепатит В га қарши, БЦЖ билан эмлаш; ИЖК (ихтиёрий жарроҳлик контрацепцияси) *. Юқумли касалликлар аниқланган беморларни алоҳидалаш, ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитация қилиш*; Онкологик, сил, руҳий-асаб ва эндокринологик касалликларга чалинган ҳамда наркологик беморларни ташхислаш, даволаш ва тиббий реабилитация, паллиатив хизмат кўрсатиш*; Шошилинч ва кечиктириб бўлмайдиган ҳолатлар бўйича стационарда бўлиш даврида овқатланиш
<b>Ўрин фондига эга бўлмаган вилоят тиббиёт муассасаларида бепул тиббий ёрдам</b>	
1. Вилоят скрининг маркази 2. Вилоят репродуктив саломатлик маркази	<p align="center"><b>Тиббий хизматлар кўлами</b></p> Кўрсатмага ва оилавий шифокор йўлланмасига асосан маслаҳат бериш; тиббий-генетик маслаҳат бериш; тиббий (гипотериоз, фенилкетонурия) ва инструментал (УТТ) текширувлар ўтказиш.

\* Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган даволаш ва диагностика стандартлари ҳамда клиник протоколларга мувофиқ тиббий хизмат кўрсатиш, юқори технологик ташхислаш ҳамда даволаш асбоб-ускуналар ёрдамида муассаса формулярига асосан (дори воситалари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари билан таъминланади) аттестациядан ўтган ва тегишли малакага эга бўлган мутахассислар томонидан амалга оширилади.

**5. Кафолатланган пакет доирасида аралаш молиялаштиришга ўтган муассасаларда кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми**

<b>Стационар ёрдам</b>	<b>Тиббий хизматлар кўлами</b>
<p>1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари;                  2. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари, диспансерлари;                  3. Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари;                  4. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари, кўз касалликлари шифохоналари;                  5. Республика травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази филиаллари;                  6. Реабилитация шифохоналари;                  7. Вилоят тери-таносил касалликлари диспансери.                  8. Вилоят кардиология диспансери ва бошқа муассасалар.</p>	<p>2003 йил 26 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3214-сонли Фармониға мувофиқ имтиёзга эга бўлган беморларға Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сонли қарори билан белгиланган тартибда навбат асосида ихтисосликлари бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган стандартларға мувофиқ режали амбулатор ва стационар ёрдамни кўрсатиш учун диагностика, даволаш муолажарида, жарроҳлик амалиётида ва тиббий реабилитация ўтказишда бепул тиббий ёрдам кўрсатилади*</p>

\*Йўлланмасиз тиббий хизмат пуллик асосда кўрсатилади.

**6. Кафолатланган пакет доирасида Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида кўрсатиладиган тиббий ёрдам хажми**

Стационар ёрдам	Тиббий хизматлар кўлами
1. Республика ихтисослаштирилган урология илмий-амалий тиббиёт маркази	2003 йил 26 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3214-сонли Фармониға мувофиқ имтиёзга эга бўлган беморларға Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сонли қарори билан белгиланган тартибда навбат асосида ихтисосликлари бўйича бепул тиббий ёрдам кўрсатилади*.
2. Академик В.Вохидов номидаги республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	
3. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси илмий-амалий тиббиёт маркази	
4. Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази	
5. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази	
6. Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази	
7. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази	
8. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази	
9. Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий-амалий тиббиёт маркази	
10. Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази	
11. Республика ихтисослаштирилган нейрохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази	
12. Республика ихтисослаштирилган Травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази	
13. Республика ихтисослаштирилган эндокрин-ология илмий-амалий тиббиёт маркази	
14. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази	
15. Республика ихтисослаштирилган неврология ва инсульт илмий-амалий тиббиёт маркази	
16. Республика ихтисослаштирилган наркологиya илмий-амалий тиббиёт маркази	
17. Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази	
18. Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, паразитология ва юкумли касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази	
	Беморни ўрнатилган тартибда, кўрсатмага асосан қон ва унинг компонентлари билан таъминлаш*;
	Кўрсатмага асосан реанимация ёрдамини кўрсатиш*;
	Кўрсатмага асосан маҳаллий ва умумий наркоз бериш*;
	Инсульт, миокард инфаркти ва қўшма жароҳатлардан кейин беморларға эрта реабилитация ёрдамини кўрсатиш*;
	Беморларни парваришлаш ва паллиатив ёрдам кўрсатиш*;

19. Республика ихтисослаштирилган аллергология маркази	
20. Республика хирургик ангионеврология ихтисослаштирилган маркази	

\*Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган диагностика ва даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ амбулатор ва стационар ёрдам кўрсатилади (клиник ва биохимия лаборатор текширувлар, инструментал текширувлар, амбулатор ва стационар даво муолажалари);

\*муассаса формулярига асосан дори воситалари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари билан таъминланади.



**7. Кафолатланган пакет доирасида Республика тасарруфидаги шифохоналарда тақдим этиладиган тиббий ёрдам хажми**

Стационар ёрдам	Тиббий хизматлар кўлами
1. Тошкент тиббиёт академиясининг кўп тармоқли клиникаси	2003 йил 26 февралдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-3214-сонли Фармониغا мувофиқ имтиёзга эга бўлган беморларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 сентябрдаги 696-сонли қарори билан белгиланган тартибда навбат асосида ихтисосликлари бўйича бепул тиббий ёрдам кўрсатилади*.
2. Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази клиникаси	
3. Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникаси	
4. Андижон Давлат тиббиёт институти клиникаси	
5. Самарқанд Давлат тиббиёт институти клиникаси	
6. Республика 2-сон клиник шифохонаси	
	Беморни ўрнатилган тартибда, кўрсатмага асосан қон ва унинг компонентлари билан таъминлаш*;
	Кўрсатмага асосан реанимация ёрдамини кўрсатиш*;
	Кўрсатмага асосан маҳаллий ва умумий оғрикисилантириш*;
	Инсулт, миокард инфаркт ва қўшма жароҳатлардан кейин беморларга эрта реабилитация ёрдамини кўрсатиш*;
	Беморларни парваришлаш ва паллиатив ёрдам кўрсатиш*

\*Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган диагностика ва даволаш стандартлари ва клиник протоколларга мувофиқ амбулатор ва стационар ёрдам кўрсатилади (клиник ва биохимия лаборатор текширувлар, инструментал текширувлар, амбулатор ва стационар даво муолажалари);

\*муассаса формулярига асосан дори воситалари, тиббий буюмлар, боғлов материаллари билан таъминланади.

**«КЕЛИШИЛГАН»**  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Давлат тиббий сўғуртаси  
 жамғармаси

*[Signature]*  
 07 июнь 2021 йил